

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 27 май, № 103 (8726) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 26 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**



Тошкент халқаро аэропортида Россия Президентини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Шундан сўнг Президентлар «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюрди.

Анъанага кўра Россия раҳбари Мустақиллик монументига гулчамбар қўйди.

Мажмуани қисқа кўздан кечириш давомида олий мартабали меҳмонга ушбу меъморий ансамбль мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 27 май куни бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар давомида раҳбарлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалаларини кўриб чиқади.

Саммит якунлари бўйича икки томонлама ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши режалаштирилган. Президентлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи йиғилишида ҳам иштирок этади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

БИЗ ва ЖАҲОН

## Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик янги босқичга кўтарилади

*Россия Президенти Владимир Путиннинг 26 май куни Ўзбекистонга бошланган давлат ташрифи халқаро сиёсий майдонда юқори қизиқишга сабаб бўлмоқда.*

*Россия ва хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари орасида ушбу ташриф Ўзбекистон — Россия кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари ривожидаги муҳим босқич деб аталмоқда.*

*Россия вакиллари ташриф ҳақида "Дунё" ахборот агентлигига муносабат билдирар экан, жумладан, қуйидагича фикрларни баён қилишди.*

**Владимир ДЖАБАРОВ,
«Единая Россия» партияси аъзоси, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:**

— Бугунги кунда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар, биринчи навбатда, икки давлат раҳбарлари олиб бораётган сиёсат туфайли жуда юқори даражага чиқди. Мамлакатларимиз етакчилари ўртасида жуда илиқ, дўстона ва очиқ муносабатлар шаклланган.

Давлатлараро ва халқаро масалаларда Ўзбекистон бизни қўллаб-қувватлаётганини сезиб турибмиз.

Ўзбекистонни доимо илиқлик билан эслаймиз, чунки Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек замини юз минглаб одамларни қабул қилди, уларга уй берди, эвакуация қилинган кўплаб корхоналар урушдан кейин Ўзбекистонда қолди.

Ўзбекистон мен учун алоҳида мамлакат, чунки ўзим самарқандликман — шу заминда ўсиб-улғайганман. Кичик ватаним десам ҳам бўлади. У бир пайтлар Тоғли Қорабоғдан келган бобомга бошпана берган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида энг катта инсоний салоҳиятга эга давлатдир. Мамлакат муҳим стратегик хомашё конларидан тортиб, қишлоқ хўжалиги ва энергетикани ривожлантириш учун барча шароитга эга.

Ўйлашимча, ҳамкорлик учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Инсон капиталининг улканлиги эса ўзбек ёшларини иш билан таъминлайдиган қўшма корхоналар ташкил этиш имкониятини яратади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги бугунги муносабатлар серқирра бўлиб, булар қаторига ҳам парламентлараро, ҳам идоралараро, ҳам ҳудудлараро алоқалар киради. Бизнес вакиллари ўртасидаги муносабатлар фаол ривожланмоқда. Маданий-гуманитар алмашинувларни эса алоҳида таъкидлаб ўтмасак бўлмайди.

Россияликлар Ўзбекистонга сайёҳ сифатида ташриф буюришни жуда яхши кўради. Қадимий тарихий шаҳарлар, шунингдек, гўзал замонавий пойтахт — Тошкент россияликлар учун севимли сайёҳлик маскани ҳисобланади. Ўзбекларнинг анъанавий меҳмондўстлиги ҳақида эса турли афсоналар бор.

Ишончим комилки, Президент Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи жуда самарали бўлади ҳамда икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бағишлайди.

**Андрей РУСАКОВ,
россиялик сиёсатшунос, Европа — Осиё тадқиқотлари маркази директори:**

— Владимир Путин Россия Президенти лавозимига киришганидан сўнг учинчи давлат ташрифини Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ўзбекистонга амалга оширмоқда.

Ўзбекистон — Россия муносабатлари серқирра бўлиб, энергетика соҳасида ўзаро ҳамкорлик, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, туризм, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларни ўз ичига олади.

➡ 2

---

Муносабат

## Алоқаларимиз тобора изчиллик касб этмоқда

*Маълумки, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга бўлиб, борган сари изчиллик касб этмоқда. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг давлат ташрифи билан юртимизда бўлиши ана шу дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади. Бу хусусда сенаторлар ўзларининг фикрларини қуйидагича баён этишди.*

**Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:**

— Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро стратегик шериклик алоқалари таълим соҳасида ҳам ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Буни жорий йилда икки мамлакатнинг олий таълим тизимлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича мулоқотлар ўтказилгани, Ўзбекистон ва Россия таълим форуми ҳамда Ўзбекистон ва Россиянинг муҳандислик-техника соҳаларига ихтисослаштирилган олийгоҳлари конференцияси ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Эътиборлиси, ана шу анжуманлар ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини чуқур муҳокама қилиш учун муҳим мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда.

Хусусан, яқинда бўлиб ўтган конференция Ўзбекистон ва Россиянинг муҳандислик-техника соҳаларига ихтисослаштирилган олийгоҳлари ҳамкорлигида транспорт, логистика, машинасозлик, геология, металлургия, энергетика, кимё, ахборот технологиялари ва бошқа йўналишларда "Илғор муҳандислик мактабларини" ташкил этиш, "корхона — университет — илмий ташкилот" кластер тизимини ҳамда инновация марказларини яратиш бўйича таклифлар илгари сурилганлиги билан кўпчиликнинг ёдида қолди.

Бугунги кунда юртимизда 29 та хорижий олий таълим муассасаси филиаллари бўлиб, шундан 14 таси Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари филиаллари ҳисобланади.

Айтиш керакки, икки мамлакат таълим маконининг изчил уйғунлашуви ва интеграциялашуви иккала давлат учун ҳам бирдек манфаатлидир. Кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурлари, университетлараро таълим ва илмий лойиҳалар, педагог кадрлар малакасини ошириш дастурлари амалга оширилаётгани ҳамда қўшма форум ва анжуманларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани шу йўлдаги муҳим қадамлардан, десак, муболаға бўлмайди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путиннинг ўзаро мулоқоти бошқа соҳалар қатори таълим тизимидаги алоқаларимизга ҳам ўзгача суръат беришига ишонамиз.

**Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Айтиш жоизки, бу галги ташриф давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Президенти Владимир Путин билан ўзаро стратегик шериклик борасидаги мулоқоти ҳар икки давлатнинг манфаатлари учун бирдек аҳамиятли, десак, айни ҳақиқат.

➡ 2

---

## ЎЗБЕКИСТОН ОҒИР СИНОВЛАРНИ ЕНГИБ ЎТАДИГАН СЦЕНАРИЙЛАРНИ ТЎҒРИ ТАНЛАЯПТИ

*Ўзбекистон нафақат минтақадаги марказий мавқеи ёки энг катта бозорга эгалиги, балки катта ишчи кучига эга мамлакат эканлиги билан ҳам муҳим ҳисобланади. Мамлакатда малакали кадрлар ва техник имкониятлар мавжуд. Автомобилсозлик, озиқ-овқат ёки тўқимачилик бўладими, ишлаб чиқаришдами, тажриба мавжуд. Бу анъана ва малакалар эса ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришда ниҳоятда муҳим. Ўзбекистоннинг бу қиёсий устунлиги мамлакатни Марказий Осиёдаги ишлаб чиқариш марказига айлантириши мумкин. Яъни Ўзбекистоннинг инвесторлар учун зарур бўлган афзаллиги шундаки, сўнгги етти*



*йилда олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга ошди, олий ўқув юртлари сони 200 тадан ортди. Демак, юртимизда хорижий инвесторларни ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантиришда зарур бўладиган барча шарт-шароит бор.*

3-саҳифага қаранг. ➡

---

Факт ва рақамлар




## ИҚТИСОДИЁТДА ЧУҚУР ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

**«Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида:**

**2030 йилга бориб, аҳоли даромадларини икки баробар ошириш режалаштирилган;**

**2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказиш кўзда тутилган;**

**халқаро тажриба асосида янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинади;**

**IT хизматлари ва дастурий маҳсулотлари экспорти 5 миллиард долларга етказилади;**

**IT-парк резидентлари сони ўн баробар кўпайиб, келгусида 100 минг янги иш ўрни яратилади.**

# Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик янги босқичга кўтарилади

←1 Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги доимий алоқалар анъанага айланиб улгурган, бироқ бу ташриф муносабатлар ривожида янги даврни очиб беради — икки давлат етакчилари Ҳудудлар кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этадилар. Шу тариқа Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик ҳудудлараро тус олмоқда. Демак, турли қўшма лойиҳалар сони кўпаяди, чунки Россия ва Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос ихтисослашув ва рақобатбардошликка эга.

Владимир Путин ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги доимий маслаҳатлашувлар икки давлат раҳбарлари мулоқот услуби бўлиб келган. Владимир Путиннинг Россия Президенти лавозимига киришганидан сўнг учинчи хорижий ташрифи, бу сафар Ўзбекистонга бўлиши ҳам рамзий маънога, ҳам иттифоқчилик муносабатларига тўлиқ мос келади.

Ўзаро ҳамкорликнинг янги ҳудудий даражаси туризм, фан, маданият ва таълим соҳаларида гуманитар ҳамкорликнинг янги форматларини шакллантиради.

Шу тариқа Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб бюрократик вертикалларни четлаб ўтиб, том маънода халқчил бўлиб бормоқда. Владимир Путиннинг ушбу ташрифи унинг Хитой ва Беларусга ташрифидан сўнг амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, Беларусь яқин келажакда аъзо бўлишни режалаштираётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида ҳам гап кетиши, шубҳасиз.

Евроосиё қитъасидаги хавфсизлик масалалари глобал исиш ва сув ресурсларидан фойдаланишдаги қарама-қаршиликларни ҳисобга олган ҳолда қитъа мамлакатлари учун долзарб бўлиб, уни икки Президент эътиборсиз қолдирмайди. Натижада Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилади. Бу учун эса барча имконият мавжуд.

**«Дунё» АА.**

# Алоқаларимиз тобора изчиллик касб этмоқда

←1 Мулоқотда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари эътибор марказида бўлди. Шу жараёндаги муҳим воқеалардан бири сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, атом энергетикаси, транспорт, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликни аниқ йўналишларда ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзоланганини келтириш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон ва Россия муносабатлари шартномавий-ҳуқуқий асосини қабул қилинган 350 дан зиёд ҳужжатлар ташкил этади.

Олий даражадаги учрашувлар натижасида икки давлат ўртасида аввал эришилган келишувлар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг Россия билан савдо ҳажми январь — апрель ойларида қарийб 29 фоиз ошгани, айниқса, эътиборга молик. Экспорт ҳажми 1,02 млрд. долларга, импорт 2,82 млрд. долларга етган.

Ўз навбатида, мулоқотда бу кўрсаткичлар икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш, етакчи корхоналар кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш, жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларида катта имкониятларимиз мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур масалалар юзасидан имзоланган қатор ҳамкорлик ҳужжатлари Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий-ижтимоий йўналишдаги тараққиётида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

## Сайхунобод тажрибаси:

# МИКРОЛОЙИҲАЛАР МУАММОГА МАҚБУЛ ЕЧИМ

*Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 14 март куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Сайхунобод туманидаги Иттифоқ маҳалласи хонадонларининг томорқачилик тажрибасини оммалаштириш, улардан ўрганиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида Сайхунобод тажрибасига қизиқиш ошиб бормоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг Алгоритм филиали ходимлари маҳалладаги 16 та кўчада яшовчи бир қатор хонадон соҳиблари билан имкониятига мос микролойиҳалар тузиб, уни молиялаштиришга киришди.*

## Ташаббус

Қувонарли жиҳати шундаки, маҳалла аҳлининг микролойиҳалар асосида имтиёзли кредит расмийлаштириб, ўз томорқасида ва ҳовлисида тадбиркорлик қилишга интилиши жуда юқори. Ишсиз ва ҳунарсиз фуқароларга бу тажриба янада қўл келяпти.

Маҳаллада Сайхунобод тажрибасини қўллаш юзасидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида "Учтепа" МФЙ раиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Мухтор ИЛҲОМОВ фикрлари билан қизиқдик:

— Яқинда Президентимиз раислигида чарм ва ипак саноатида мавжуд имкониятларни ишга солиш, жойларда Сайхунобод тажрибаси асосида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселекторни батафсил кўриб, шундай хулосага келдикки, бу тажриба орқали нафақат қишлоқ маҳаллалари, ҳатто Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда ҳам ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин экан, — дейди у. — Йиғилишда давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, бу борада бошланган ишлар натижасида мамлакатимизда апрель ойининг ўзида 365 минг аҳоли бандлиги таъминланган ва тадбиркорликка жалб қилинган. Банклар ўз мижозларининг муаммоларини ҳал этиб, 115 минг аҳоли ишли бўлишига кўмаклашган. Маҳаллаларда 70 мингта микролойиҳа амалга оширилиб, 465 минг гектар томорқа ерларига экин экилган.

Президент Сайхунободга ташрифи чоғида одамлар яхши яшашга интилаётгани, бунинг учун томорқа имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлиги, уларга маблағ ва кўмак бериб, даромад манбаи яратиш кераклигини таъкидлаганди. Шу маънода, биз биринчилардан бўлиб Сайхунобод тажрибасини маҳалламизда жорий этишга киришдик. Аввало, бу тажрибанинг афзаллиги шундаки, одамлар банк эшигида сарғаймайди. Балки банк ходимларининг ўзи хонадонма-хонадон юриб, уларга хос ва мос микролойиҳаларни таклиф этади. Лойиҳалаштириш эса жуда тез амалга оширилмоқда. Бу қулайлик маҳалламизда яшовчи тадбиркорлар имкониятини янада оширган бўлса, ишсиз ва ҳунарсиз фуқароларни ўз уйида меҳнат қилиб даромад топишида мақбул усул экани намоён бўлмоқда.

Мана, биргина фуқаро Насиба Темирова хонадонида қорамол боқиш учун микролойиҳа асосида 15 млн. сўм кредит олди. Банк унга белгиланган муддатда қорамолни кўпайтириш ва ундан яхши даромад олиш бўйича ўз тавсияларини молиявий нуқтаи назардан асослаб берди. Н. Темирова эса микролойиҳа келгусида ўзининг самарасини беришига ишонмоқда. Ёки Нозима Акрамовага уйида қандолат маҳсулотларини тайёрлаш учун 15 млн. сўм кредитни олар экан, уни мақсадли сарфлаб даромадини янада ошириши мумкинлигига амин бўлди.



Яна бир фуқаро Дилшод Раҳматовга ҳам тикувчилик йўналиши бўйича 15 млн. сўм миқдорида кредит расмийлаштирилди. Банк ходими ўзи хонадонга келиб кўриб, фикрлашиб, имкониятлар чамаланган ҳолда кредит берилиши келгусида маблағнинг мақсадли ишлатилишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бунда энг муҳими, ҳалол меҳнат ва ишнинг кўзини билишдир. Биз ҳам бу жараённи доимий назоратимизга оламиз. Чунки илгари банкдан кредитни олиб, тўй ўтказадиган ёки автомобиль харид қилиб, кейин қарзни қайтара олмай судлашиб юрган ҳолатлар кўп бўлган. Бугун эса бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди.

Маҳалламизда тадбиркорлик қилиб, элга танилиб қолган аёллар жуда кўп. Улардан бири — Насиба Ортиқова қўли чаққон, меҳнаткаш ҳунармандлардан. Унга миллий бешик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 100 млн. сўм кредит берилди. У нафақат бешик, балки бешик устига ёпиладиган ёпинчиқлар ҳам тайёрлайди. Асосийси, кредит шундай шарт билан берилдики, у маҳалланинг ўзидан ишсиз, ҳунар ўрганишга иштиёқманд ёшларни ишга жалб этади. Айни пайтда ҳунарманд ишни бошлаб юборди. 3 та янги иш ўрни ҳам очди.

Яна бир маҳалладошимиз Абзал Икромовнинг тикувчилик цехи бор. Унгаям 100 млн. сўм ажратилди. Имкониятдан фойдаланиб янги иш ўринлари очяпти. Ўзлари яратган миллий маҳсулотларни хорижга ҳам экспорт қилишаётир. Айниқса, қўлигул тикувчилар томонидан яратилган элита пардалар жуда харидоргир. Шунингдек, Бекзод Марасулов раҳбарлигидаги тиббиёт мебеллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Доктор мебель" МЧЖга ҳам 100 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Кўряпсизми, бу ерда мақсад фақат кредит расмийлаштириш эмас, балки янги иш ўрни очиш, маҳаллада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қолаверса, тадбиркорлар сафини кенгайтиришга қаратилмоқда.

Кези келганда, юртимизда маҳаллаларга жуда катта эътибор қаратилаётганини эътироф этиш жоиз. Мисол учун, муаммолар жойида "маҳалла еттилиги" орқали ҳал қилинаётгани ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, маҳалланинг ўз бюджети шакллантирилди. Ер, мол-мулк солиғидан тушадиган маблағнинг 10 фоизи ҳисоб рақамимизда қоляпти. Ҳозирги кунда 70 млн. сўмга яқин маблағимиз бор. Бу маблағни маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, кўчаларни ободонлаштириш, йўлларни равонлаштириш каби хайрли мақсадларга сарфлашни мўлжаллаб турибмиз.

Мақсад битта — элни тўқ, ўз ҳаётидан рози бўлиши ва фаровон яшашига эришиш. Бу юртимизда амалга оширилаётган "Инсон қадри учун" эзгу ғоясининг муҳим шартидир.

**«Халқ сўзи».**

# СПОРТЧИЛАРИМИЗ МИЛЛАТ ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШАДИ

*Спорт ва жисмоний тарбиянинг инсон ҳаётида тутган ўрнини таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳани ривожлантириш, юқори натижани қўлга киритган спортчиларни рағбатлантиришга устувор даражада эътибор қаратиб келинаётир. Негаки, ҳеч бир соҳа мамлакат нуфузини дунёга спортчалик тез намоён этолмайди.*



## Фикр

Куни кеча Президент ҳузурида спорт таълимини ривожлантириш ва халқаро мусобақаларни ўтказиш режалари юзасидан берилган ахборотда ҳам бу алоҳида эътироф этиб ўтилди.

Маълумки, юртимизда спорт инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, халқаро талаблар даражасидаги шарт-шароит яратиляпти. Шунга асосланиб FIFA қарори билан футзал бўйича бу йилги жаҳон чемпионати юртимизда ўтказилиши белгиланган. Бу биз учун жуда катта натижа эканлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ахборотда келтирилганидек, мазкур нуфузли мусобақа 14 сентябрь — 6 октябрь кунлари Тошкент, Андижон ва Бухоро шаҳарларида ташкил этилади. Унда дунёнинг энг кучли 24 жамоаси қатнашади. Иштирокчи давлатлардан нуфузли меҳмонлар, 30 мингдан зиёд мухлислар келиши кутилмоқда. Ўз навбатида, бу қувончли ҳол бўлиши билан бирга, барчамизга катта масъулият юклайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда мутасаддилар томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар, спорт ва маданий тадбирлар режалари муҳокама қилинди. Чемпионатни юқори савияда ўтказиш учун Бош вазир раҳбарлигида ташкилий қўмита тузилиши белгиланди.

Шунингдек, тақдимотда Париж Олимпиадасига кўрилаётган тайёргарлик бўйича ҳам ҳисобот берилди.

Биламизки, терма жамоаларимиз ушбу нуфузли мусобақага жуда юқори даражада ҳозирлик кўрмоқда, чет элларда ўқув-машғулотлар ўтказилмоқда. Спортчиларимиз футбол, сувга сакраш, камондан ўқ отиш, аёллар ўртасида эркин кураш бўйича илк бор Олимпиадага йўлланма олгани ҳам аҳамиятли, албатта. Олдинда яна йўлланмаларни қўлга киритиш, олимпия ўйинларида муносиб қатнашиш билан боғлиқ устувор мақсадларимиз ҳам бор.

Табиийки, бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун катта куч ва тинимсиз изланишлар талаб қилинади.

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикрлар ҳамда илгари сурилган ташаббуслар соҳани янада ривожлантириш орқали спортчиларимизни янги марралар ва галдаги ғалабаларга илҳомлантириши, шубҳасиз.

**Фараҳат САЪДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Гидроэнергетика

# ЭКИНЛАРГА ҲАЁТ, ХОНАДОНЛАРГА ЧАРОҒОНЛИК

*Президентимизнинг 2023 йил 16-17 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи чоғида Сурхондарё вилоятининг Тўполанг дарёсида "Зарчоб-3" ГЭС қурилиши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 16 МВт қувватга тенг "Зарчоб-3" ГЭС қурилишига старт берилган эди.*

Мазкур ГЭС Тўполанг дарёси бўйида қад ростлаётган йирик лойиҳанинг мантиқий давоми бўлиб, нафақат Сариосиё тумани, балки бутун Сурхондарё вилояти аҳолиси учун қўшимча электр энергияси етказиб беради.

Ушбу лойиҳа мамлакатимиз янги тарихида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, бир дарё ўзанидан "занжир кетма-кетлиги" асосида қайта-қайта электр энергияси олишни англатади. Самарадорлик нуқтаи назаридан Тўполанг дарёсидан каскад кўринишидаги ГЭСлар орқали 4 маротаба электр энергия олиш эътирофга лойиқ лойиҳадир.

Мазкур лойиҳалар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 2020 йилнинг декабрь ойида 37 мегаваттли "Зарчоб-1" ҳамда 2021 йил сентябрда 38 мегаваттли "Зарчоб-2" ГЭСлари ишга туширилган эди. Бугунги кунда ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳисобидан 48 мингта хонадонга нур улашилмоқда.

— Дастлаб 2006 йилда корхонамизга қарашли қуввати 17 мегаваттли "Тўполанг ГЭС-34" лойиҳаси ишга туширилган ва 8,5 минг аҳоли хонадонлари электр энергияси билан таъминланган эди, — дейди "Тўполанг ГЭС" УК бош муҳандиси Асрор Жумаев. — Ўтган йили ушбу ГЭСда модернизация ишлари олиб борилиб, қуввати 30 мегаваттга етказилди. Электр энергиясига бўлган талабнинг ортиши натижасида юзага келган тақчилликнинг олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида корхонамизга ташриф буюриб, мавжуд иккита гидроагрегатга қўшимча яна иккита гидроагрегат қуриш юзасидан топшириқ берган эди.

— Аввалига сув омбори тўғони қўшимча 20 метрга кўтарилди, — дея сўзини давом эттиради А. Жумаев. — Натижада унинг сиғими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Замонавий технологиялар асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, қуввати 145 мегаваттли иккита агрегат ўрнатилди.

Энди Президентимиз томонидан старт берилган кичик ГЭС — "Зарчоб-3" ҳақида айтадиган бўлсак, унинг қуввати 16 мегаватт бўлади ва йилига 70 млн. киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. У табиий ва қайта тикланувчанлиги билан аҳамиятли. Шунингдек, бошқа қувватлар, асосан, кундуз куни ишлаб чиқарилгани боис бу йўналиш энергетика тизимида ростловчи вазифасини ҳам ўтайди. Олинадиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон.

Ҳозирги тизим бўйича, дарё суви махсус босим остида аввал Тўполанг ГЭСсига йўлланади. Ундан кейин бир-биридан унча узоқ бўлмаган Зарчоб станцияларидаги парракларни айлантиради.

— Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу ресурслар табиий ва қайта тикланувчан ҳисобланиб, мамлакатимиз энергетика соҳасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, — дейди "Тўполанг ГЭС" УК директори Асрор Улуғов. — ГЭСлар томонидан экологияга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда, барқарор энергия ишлаб чиқарилиб, вилоят саноат корхоналари, турли идоралар ва маҳаллий аҳолига етказиб берилади.

Шунингдек, хусусий сектор томонидан микроГЭСлар барпо этишга ҳам кенг имконият берилмоқда. Жумладан, шундай ишларни бажариш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган.

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ.**

## Депутатлар — ҳудудларда

# ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда. Аҳоли турмуш шароитлари ўрганилиб, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш чоралари кўриляпти. Аҳамиятлиси, учрашувлар чоғида мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчиликдаги янгиликлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда.*

Жумладан, Қонунчилик палатаси депутати Муборак Аҳмедова Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.



Депутат "Хонобод" маҳалла фуқаролар йиғинида нуронийлар, хотин-қизлар, "маҳалла еттилиги" иштирокида бўлиб ўтган мулоқотлар давомида қонунчиликдаги янгиликлар, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумотлар берди.

Шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, томорқадан унумли фойдаланиш ҳамда аҳоли даромадини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди.

— Ўрганишлар жараёнида "Устоз — шогирд" анъанаси асосида тикувчилик ўқув курсларида кўплаб аёллар билим олиб, ўзини ўзи банд қилаётгани, даромад топаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди депутат М. Аҳмедова. — Мулоқотларда сайловчилар фикр-мулоҳазалари, таклифлари эшитилиб, аниқланган айрим масалалар ечими назоратга олинди.

Шундан сўнг депутат 48-сонли умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, таълим жараёни, яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ўқувчи ёшлар ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

Педагоглар бугунги кунда таълим учун барча шарт-шароит муҳайё қилинганини таъкидлаш билан бирга, инсон қадри улуғланган жамиятда яшаётганидан мамнун эканликларини эътироф этишди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова Гулистон шаҳридаги Аҳиллик, Янгиҳаёт, Шодлик маҳаллаларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди.

Учрашувларда мавжуд муаммо ва камчиликлар юзасидан "маҳалла еттилиги" билан суҳбатлашилди. Шунингдек, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"да турувчи фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати масъуллар иштирокида муҳокама қилинди.

Одамларни ўйлантириб келаётган масалалар, йиғилиб қолган тизимли муаммолар тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиладиган бўлди.

* * *

Қуйи палата депутати Назир Собировнинг Бухоро шаҳридаги аҳоли билан ўтказган учрашувлари самарали бўлди. Депутат "Ситораи Моҳи Хоса", "Отбозор", "Гулчорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказди, "маҳалла еттилиги" фаолияти билан яқиндан танишди.

Мулоқот чоғида дастлаб фуқароларга кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган суҳбатлар жараёнида ўз муаммосига ечим излаб келган ҳар бир фуқаронинг мурожаатлари тингланиб, уларни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди. Аксарияти тегишли ташкилотлар вакиллари билан биргаликда шу ернинг ўзида бартараф этилди.

Учрашувда фуқаро Насиба Нормўминова моддий ёрдам ҳамда вояга етмаган икки нафар фарзандини Тошкент шаҳридаги Болалар миллий тиббиёт марказида даволатишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу масала депутат назоратига олиниб, ижобий ечим топадиган бўлди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергияси агентлиги ташкил этилади.**

# ЎЗБЕКИСТОН ОҒИР СИНОВЛАРНИ ЕНГИБ ЎТАДИГАН СЦЕНАРИЙЛАРНИ ТЎҒРИ ТАНЛАЯПТИ

*Жаҳон банки йигирмадан ортиқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш натижалари бўйича тайёрлаган янги ҳисоботга кўра, 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида иқтисодиёти энг тез ўсаётган 5 та давлатдан бирига айланади. Бундай иқтисодий башорат ялпи ички маҳсулотнинг 5,3 фоизга ўсиш прогнози билан асосланади. Халқаро экспертлар фикрича, бундай кўрсаткич давлатларнинг қарама-қаршилиги, санкциялар уруши, турли зиддиятлар давом этаётган ва шу туфайли глобал иқтисодий вазият оғир бўлиб турган ҳозирги шароитда юксак натижа бўлиб, Ўзбекистон бу каби глобал шок вазиятларни самарали енгиб ўтиш учун сценарийларни тўғри танлаяпти.*



## Мушоҳада

Таъкидлаш жоизки, республикамизда 2017 — 2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар туфайли ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 5,1 фоизни ташкил этди. Бу жуда кам давлатларда кузатиладиган кўрсаткич. Жаҳон банкининг хулосаларини Ўзбекистонга жорий йилнинг 23 апрелидан 7 майгача сафар қилган Халқаро валюта фонди делегацияси ҳам тасдиқлади. Баёнотга кўра Ўзбекистон иқтисодиёти юқори даражада ўсмоқда. Фонд таҳлилича, 2020 йилдан бери Ўзбекистонда қашшоқлик 17 фоиздан 11 фоизга тушган. Инфляция эса 2022 йилдаги 12,3 фоиздан 8 фоизга пасайган. Бунга, қисман, жаҳон бозорида ёнилғи ва озиқ-овқат нархининг тушгани туртки берган. Ялпи миллий маҳсулот бу йил 5,4 фоиз ошиши кутилмоқда.

Европа ва Яқин Шарқдаги уруш оқибатлари, истеъмол маҳсулотларининг беқарор нархи, глобал бозордаги сусайиш, давлат бизнеслари ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий қийинчиликлари иқтисодиётга кучли таъсир қилмаганида Ўзбекистон аллақачон 8 – 10 фоизлик ўсишга эришган бўлиши мумкинлигини экспертлар тез-тез такрорламоқда. Шунга қарамай жорий ижобий динамиканинг сақланиб қолиши мамлакатни тез орада “Осиё йўлбарси”га айлантириши мумкин.

Тизимли ислоҳотларни жадаллаштириш, четдан кўпроқ даромад ва капитал олиниши ва олтин баҳосининг ошиши ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини кенгайтиришга хизмат қилувчи салмоқли омиллардир. Халқаро валюта фонди назарида, Президент Шавкат Мирзиёев маъмурияти тўғри молиявий сиёсат олиб бормоқда ва шу йўлдан қайтмаслик зарур, жумладан, камомадни камайтириш, инфляцияни тушириш, миллий молия бозорини ривожлантириш каби ҳаракатлар секинлашмаслиги керак. Молиявий барқарорликни таъминлаш бирламчи мақсад бўлсин, дея тавсия қилади фонд.

Ташкилот давлат банк тизимини ислоҳ қилиш, унинг бошқарувини ўзгартириб, бу банкларнинг хусусийлашиши учун замин яратиш, структуравий ислоҳотларни тўхтатмаслик ва давлатнинг иқтисодиётидаги ролини камайтириб бориш, иш ўринлари очилиши учун имкониятларни кенгайтириш, соғлом рақобат ва хилмахиллик муҳитини яратиш, коррупцияга қарши чораларни оширавериш, қонун устуворлигини таъминлаш, тизимнинг халқаро меъёрларга жавоб беришини таъминлаш учун зарур қадамлар ташлаш каби тавсияларини ҳам берди.

Шу йилнинг май ойи бошида бўлиб ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳам хорижий сармоядорларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ошиб бораётганини яққол намойиш этди. Унда Россия, АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Миср, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё, Европа Иттифоқи, МДҲ, Яқин Шарқ мамлакатларидан 2,5 мингдан зиёд йирик инвестор ва юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди.

Бундай тадбирлар иқтисодиётимиз учун зарур истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлиб хизмат қилади. Хусусан, форумда хорижлик сармоядорларга юртимиздаги имкониятлар, инвесторлар учун яратилган шароитлар ва жозибадор йўналишлар яна бир бор таништирилди. Анжуман доирасида юзлаб келишув ва шартномалар имзоланди. Уларни вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”да ҳар бир лойиҳанинг ижрочиси ва бажарилиш муддати аниқ белгилаб қўйилди. Бундай ҳужжатлар келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, қисқача айтганда, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Турли инвестициявий лойиҳалар шаффофлиги ва мазкур йўналишда бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилаётгани эса хорижий инвесторларда Ўзбекистонда бизнес қилиш истагини ошираётир.

Бугун дунёда ўзаро ишонч йўқолган бир пайтда сармояларни жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун уларга маъқул келадиган ислоҳотлар ўтказиш керак. Ўзбекистон бу йўлда жиддий қадамлар ташлади. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди.

Ўзбекистон нафақат минтақадаги марказий мавқеи ёки энг катта бозорга эгалиги, балки катта ишчи кучига эга мамлакат эканлиги билан ҳам муҳим ҳисобланади. Мамлакатда малакали кадрлар ва техник имкониятлар мавжуд. Автомобилсозлик, озиқ-овқат ёки тўқимачилик бўладими, ишлаб чиқаришдами, тажриба мавжуд. Бу анъана ва малакалар эса ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришда ниҳоятда муҳим. Ўзбекистоннинг бу қиёсий устунлиги мамлакатни Марказий Осиёдаги ишлаб чиқариш марказига айлантириши мумкин. Яъни Ўзбекистоннинг инвесторлар учун зарур бўлган афзаллиги шундаки, сўнгги етти йилда олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга ошди, олий ўқув юртлари сони 200 тадан ортди. Демак, юртимизда хорижий инвесторларни ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантиришда зарур бўладиган барча шарт-шароит бор.

Яна бир жиҳат. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг янги йўналишлари пайдо бўлди ва у даромад топадиган соҳага айланмоқда. Бугун ҳар бир мамлакат кўпроқ ахборот технологиялари, компьютер маҳсулотлари ва хизматларини экспортга чиқармоқда, улар соф аутсорсингдан ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ўтмоқда. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ Ўзбекистон ҳам бир йил ичида IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспортини икки баробар оширди. Келажакда бу кўрсаткични 5 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Хорижий сармоядорлар ёрдамида мамлакатимизни рақамли иқтисодиётга ўтказиш ва сунъий интеллект асосида технологияларни жорий этишда улкан муваффақиятга эришиш мумкин.

Шундай бўлмоқда ҳам. Сўнгги йилларда юртимизда 60 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 млрд. доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига йўналтирилди. Шу ўринда энергетика соҳасида дунёда етакчи бўлган компаниялар ва йирик брендлар билан 300 дан ортиқ инвестиция ва саноат лойиҳалари ишга туширилганини ҳам алоҳида қайд этиш ўринлидир. Буларнинг ҳисобига юз минглаб янги иш ўринлари яратилгани янада эътиборга молик. Демак, Ўзбекистонда хорижлик инвесторларни қизиқтирадиган жиҳатлар кўп, уларни қаноатлантирадиган ислоҳотлар изчиллик билан давом эттириб келинмоқда.

Сармоядорлар энергетика, транспорт ва геология, соғлиқни сақлаш, туризм, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати соҳаларидаги лойиҳаларга катта қизиқиш билан қарашяпти. Улар орасида тадбиркорлар ва аҳолини узлуксиз энергия қуввати билан таъминлаш учун энергетика тизимига эътибор кескин ошди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси раиси Оқилбек Жапаров билан учрашуви чоғида “Қамбарота ГЭС-1” ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди. Аввалроқ, Бишкек ва Тошкент лойиҳа қуввати 1800 мегаваттни ташкил этадиган ва йилига 5,6 млрд. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини берадиган ушбу объектни қуриш ҳақида “Йўл харитаси”ни имзолашган эди. “Қамбарота ГЭС-1”нинг Ўзбекистон учун ҳам стратегик аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Бишкек истиқболли ўрта ва кам қувватли ГЭСлар лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқчи. Мамлакатда деярли барча ишлаб чиқариладиган энергия “яшил” ҳисобланади, чунки у гидроэнергетикадан олинади.

Қозоғистон ҳам муҳим иттифоқчиларимиздан. Икки мамлакат ҳамкорликни ривожлантириш, икки томонлама ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажмини ҳозирги 4 млрд.дан 10 млрд. долларгача оширишни режалаштирмоқда. Икки мамлакат умумий қиймати 3,6 млрд. долларлик 46 та янги қўшма корхонани ишга тушириш устида иш олиб бормоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон энергетика вазирлари Европага “яшил” энергия экспорти лойиҳасини ишлаб чиқиш режасини маъқуллашди. Лойиҳа Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясини Европага сотиш учун инфратузилмани яратишни назарда тутади. Бу ҳам иқтисодиётимиздаги истиқболли янги йўналишлардан. Ўзбекистонда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларида муқобил энергия ишлаб чиқариш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Энг янги технологиялардан фойдаланган ҳолда инфратузилма яратиш режалаштирилган. Айни пайтда лойиҳани амалга ошириш учун техник шартлар аллақачон ишлаб чиқилган бўлиб, улар келажакда Марказий Осиё ва Европани боғловчи инфратузилманинг асосига айланади. Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон биргаликда Каспий денгизи орқали Грузия ва Европага электр энергиясини экспорт қилиш устида ишлар бошлаб юбордики, мамлакатимиз тарихида ҳали бунақаси бўлмаганди.

Инвесторлар эътибор қаратаётганидек, яхши логистика ва энергетиканинг барқарор тараққиётисиз Ўзбекистонда режалаштирилаётган барча лойиҳаларни амалга ошириш имконсиз. Чунки Ўзбекистон денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга эмас, маҳсулотларимизнинг денгиз портларига кириб бориши учун бир неча давлатнинг чегараларини кесиб ўтишимизга тўғри келади. Энг қисқа йўналиш, бу — Афғонистон ва Покистон. Бироқ унинг амалга оширилиши хавфсизликка бориб тақалади. Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, хорижлик шериклар билан Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ҳамда Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўллари қурилиши бўйича ишлар бошланган, булар минтақамизнинг геоиқтисодий қиёфасини ўзгартириб юборади, Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказга айлантиради. Бунга қўшимча Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси “Trade Connect Central Asia+” (TCCA+) дастури ишга туширилганини эълон қилди. Ташаббус Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжоннинг иқтисодий ўсиши ва иқтисодий интеграциясини рағбатлантиришга қаратилган. Бу мамлакатларнинг барчаси Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо. Аммо дастур иштирокчилар сонини чекламайди, аксинча, Марказий Осиё мамлакатлари ва бошқа давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқни ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадбиркорларимиз янгидан-янги бозорларни кашф этишга, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан ривожланган бозорларга кириб боришга интиляпти. Ўзбекистон мева-сабзавотларини Европа Иттифоқи давлатларига чиқариш учун Болтиқбўйи мамлакатлари билан музокаралар олиб борилаётир. Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий соҳадаги муҳим ҳамкорларидан бири — Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳажми “GSP+” тартиби туфайли ўтган йили қарийб 70 фоизга ўсди. Европанинг етакчи компания ва банклари билан юқори технологик ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича истиқболли лойиҳалар портфели 20 млрд. евродан зиёдни ташкил этмоқда. 2023 йилнинг июнида Қирғизистонда ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” иккинчи саммитида эса Евроиттифоқ билан савдо муносабатларини тубдан кенгайтириш учун Ўзбекистон етакчиси мамлакатимиз барқарор савдо-логистика занжирларини ва ўзаро маҳсулот етказиб беришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратиш, “GSP+” тартибининг амал қилиш муддатини узайтириш ва тизимни минтақа мамлакатларига татбиқ этилишидан манфаатдорлигини билдирди.

Ўзбекистон ЕИнинг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (“GSP+”) доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганига уч йил тўлди. 2021 йил 10 апрелда мамлакатимиз учун “GSP+” кучга кирган, Ўзбекистон ушбу тизимга преференциялар бош тизими доирасида бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинган. “GSP+” (Generalised Scheme of Preferences Plus) ривожланаётган мамлакатлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий имтиёзлар тизими бўлиб, ривожланаётган давлатлар экспорт қиладиган товарлар учун божхона тарифларидан имтиёзлар беришни кўзда тутади. Бошқача айтганда, ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар бозорларига экспорт қилинадиган товарларга божхона имтиёзлари тақдим этади.

Ушбу тизим бўйича берилган имтиёзлар асосида мамлакатимиз Европа Иттифоқи давлатлари бозорларига 6 200 турдаги маҳсулотларни божхона божларисиз экспорт қилиш имкониятига эга бўлди. Буюк Британияга ҳам 7 мингдан ортиқ маҳсулотларимизни имтиёзли тартибда етказиб бериш имконияти бор. Бу жараёнда мамлакатимизнинг асосий экспорт товарлари ҳисобланган тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, пойабзаллар, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт воситалари, сопол ва металл маҳсулотлар, нефть ва кимё саноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар ҳамда технологик ускуналар божхона божи тўлашдан озод этилган. Табиийки, экспорт қилинаётган ушбу турдаги маҳсулотлар учун божхона божи тўланмаслиги ҳисобидан таннарх пасаяди. Бу эса ўз-ўзидан уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, мамлакатнинг ташқи савдо алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда янги бозорларга кириб бориш орқали экспорт салоҳиятини оширишга қулай шароит яратади.

Ўзбекистоннинг “GSP+” тизими бенефициари мақомига эга бўлишини, аввало, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг халқаро даражадаги эътирофи сифатида қабул қилиш ўринлидир. Умуман олганда, “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзлар асосида ташқи савдо муносабатларини йўлга қўйиш юртимизнинг ЕИ мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликка киришдаги имкониятларни кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг янги бозорларга чиқишига кўмаклашиш, уларнинг экспорт салоҳиятини ҳамда жаҳон бозорларидаги рақобатлашув даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон миллий манфаатларни кўзлаган кўп векторли ташқи сиёсат юритишда давом этяпти. Бунинг исботи ўлароқ сўнгги вақтларда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳақида, уларга мамлакатимизнинг қўшилиш-қўшилмаслик масалалари, умуман олганда, халқаро иқтисодий интеграцияларнинг фойда ва зарарлари хусусида турлича қарашлар пайдо бўлди.

ЖСТ товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк объектлари халқаро савдоси соҳасида “камситмаслик” тамойили устуворлигини таъминлашга қаратилган ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо ҳар бир давлат халқаро савдонинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида бошқа аъзолар билан бир хил имкониятлар асосида ташқи иқтисодий ва савдо муносабатларини олиб боради. Кейинги йилларда мамлакатимизда ЖСТга аъзолик бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Хусусан, аъзо давлатлар билан кўп ва икки томонлама музокараларни якунлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш ташкилотга аъзо бўлишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда қатор қонунлар қабул қилиняпти, ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиляпти.

Албатта, бизга иқтисодий интеграция керак. Бу борадаги яна бир йўналиш — Евроосиё. Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юкларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади. Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомида фаол иш олиб боряпти.

Ўзбекистон шубҳасиз, ўз суверенитети ва мустақиллигини ўйлаган ҳолда, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянган кўп қиррали ташқи сиёсат олиб бораётир. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари бозорлари билан боғловчи “Шимол — Жануб” транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича яқин мулоқотни давом эттириш муҳимдир. Шу борада транспорт идоралари раҳбарларининг Термиз шаҳрида апрель ойида бўлиб ўтган Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал маршрутини ривожлантириш бўйича биринчи учрашуви самарали бўлди. Бу транспорт йўлаги ҳам келажакда Ўзбекистоннинг Шимол ва Жануб, Ғарб ва Шарқни боғлайдиган ҳалқа сифатидаги мақомини мустаҳкамлайди.

> Ўзбекистоннинг “GSP+” тизими бенефициари мақомига эга бўлишини, аввало, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг халқаро даражадаги эътирофи сифатида қабул қилиш ўринлидир. Умуман олганда, “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзлар асосида ташқи савдо муносабатларини йўлга қўйиш юртимизнинг ЕИ мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликка киришдаги имкониятларни кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг янги бозорларга чиқишига кўмаклашиш, уларнинг экспорт салоҳиятини ҳамда жаҳон бозорларидаги рақобатлашув даражасини оширишга хизмат қилади.

> Сўнгги етти йилда мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг кўп қиррали ташқи иқтисодий сиёсати, аввало, халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилган саъй-ҳаракатлардир. Бу ўзгаришларни ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ҳис қиляпмиз. Муҳими ҳам шу. Бу сиёсатдан асл мақсад ҳам халқимизни рози қилишдан иборат.

**Обиджон ҲАМИДОВ,**
**Бухоро давлат университети ректори,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### Келажакнинг нурли йўли

*Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида ўзбек кино ижодкорларининг “Кино — келажакнинг нурли йўли” ижодий форуми бўлиб ўтди.*



Кино санъати вакиллари, зиёлилар, маънавият тарғиботчилари иштирок этган тадбирда 16 май куни Президентимизнинг Киночилар уйига ташрифи ҳамда киноижодкорлар билан учрашуви, унда берилган топшириқлар ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, дубляж мактаби бўйича ишларни жадаллаштириш, “Ўзбекфильм” киноконцернида махсус костюмлар тикиш цехининг фаолиятини йўлга қўйиш, тарихий бадиий-публицистик фильмларни кўпайтириш каби йўналишларда фикр алмашилди.

Форумнинг асосий қисмида “Тирик тарих” дастури ҳақида сўз борди.

### Офтальмологияда инновацион технологиялар

*Пойтахтимизда “Офтальмологияда инновацион технологиялар” халқаро конференцияси ташкил этилди.*

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Офтальмологлар ассоциацияси ва Шифокорлар ассоциацияси кўмагида ўтказилган ушбу анжуманда кўз касалликларининг олдини олиш ҳамда офтальмологияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Тадбир давомида офтальмологик ёрдамни ташкил этиш масалалари, глаукома, кўзнинг олдинги сегменти, кўз гавҳари ва орқа сегмент патологиясини даволашда янги технологиялар, шунингдек, офтальмологик диагностикада инновацион ечимлар, жумладан, рефракция аномалияларини ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувлар кўриб чиқилди.

### «Раҳбар ва болалар» учрашуви

*Республика болалар форумининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Маросим доирасида “Раҳбар ва болалар” учрашуви ташкил этилди. Унда Рақамли технологиялар вазири, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) иштирок этди.*

Тантанали тақдирлаш маросимида танлов ҳамда мусобақаларнинг якуний натижалари эълон қилиниб, ғолиб ва совриндорлар Ёшлар ишлари агентлиги директори ва Ўзбекистон болалар ташкилоти раиси томонидан тақдирланди.

Эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари иштирокидаги концерт дастури қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

### «Ватан манзумаси»

*Бухорода “Ватан манзумаси” деб номланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

Ички ишлар, Мудофаа, Маданият вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур адабий-маърифий тадбирда марҳум ва замондош шоирларнинг Ватан, халқ, она каби мавзулардаги шеърлари ёш ижодкорлар томонидан томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, ижтимоий барқарорлик, ҳамжиҳатлик, фаровонлик, ўзаро оқибат, меҳр ва мурувват муҳити олий қадрият эканини ёрқин ҳамда бетакрор мусиқий дастур орқали ўз ифодасини топди.

### «Миздакхан — муқаддас ва сирли маскан»

*Хўжайлида ана шу мавзуда халқаро фестиваль ўтказилди.*



Қорақалпоғистон Республикаси туризм бошқармаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Хўжайли тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбир доирасида “Маданий хабардорликни ошириш ва экологик барқарор туризмни ривожлантириш” мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман, шунингдек, “Тақия” қорақалпоқ миллий либослари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмада иқтидорли ёшлар томонидан яратилган юзга яқин миллий либослар намойиш қилинди. Фестиваль иштирокчилари Хўжайли туманидаги Миздакхан тарихий мажмуасига ташриф буюришди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

**Йил якунига қадар давлат хизматларини кўрсатишда шахсни биометрик идентификация қилиш (Face-ID) усули жорий этилади.**

# САРАТОННИНГ ДАВОСИ БОР



*Дунё мамлакатларида хавфли ўсмалар билан касалланиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу инсониятни ташвишлантираётган асосий тиббий ва ижтимоий муаммога айланаётир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, бу дардга чалинганлар сони йилига 16 миллион кишидан ошади. Ва салкам 10 миллион беморнинг ёстиғини қуритяпти. Саратондан ўлим кўрсаткичи юрак-қон томир касалликларидан кейин дунёда иккинчи ўринда турибди. Ачинарлиси, бу ҳолатларнинг тахминан ярмида ташхис сўнгги босқичларда қўйиляпти.*

## Саломатлик

“Аёллар саломатлиги: кўкрак бези ва бачадон бўйни саратони скрининги ва профилактикаси” мавзуида Бухоро шаҳрида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси онколог ва радиологларининг XX конференциясида шу каби далиллар тилга олинди.

Унда 330 дан зиёд делегатлар ҳамда жаҳоннинг ўндан зиёд мамлакатларидан соҳанинг етакчи мутахассислари, олим ва тадқиқотчилар иштирок этди.

— Бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўкрак бези саратони билан касалланиш ҳолатлари кўп учрайди, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор М. Тиллашайхов. — Бу хасталикдан, асосан, аёллар жабр чекяпти. Асосий мақсадимиз онкологик касалликларнинг олдини олишни кучайтириш, уларни имкон қадар эрта босқичларда аниқлаш ва ихтисослаштирилган малакали ёрдам кўрсатишдир. Мамлакатимизда тиббий хизматнинг бу йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 27 майда “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарорининг қабул қилиниши ушбу хизматни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Сўнгги йилларда марказ ва унинг филиалларида 2 та чизиқли тезлаткич, 11 та гамма-терапия ва 7 та брахитерапия мосламаси ўрнатилди. Радиотерапевтик ускуналар сони 27 тага етказилди. Юртимизда нур терапия ускуналарига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилди ва беморларнинг навбатга туриш муаммоси бутунлай бартараф этилди. Бундан ташқари, беморларга ушбу радиотерапия давосини ўз ҳудудларида олиш имконияти яратилди.

— Конференция ўзаро тажриба алмашиш, онкология соҳасидаги илмий ютуқларни амалда қўллаш нуқтаи назаридан жуда фойдали кечди, — дейди Жаҳон хоспис ва паллиатив ёрдам алянси ижрочи директори Стивен Роберт Коннор. — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти филиалида беморларни даволаш борасида замонавий шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Юртингизда ҳудудларида ҳам ташхис қўйиш ва даволашнинг янги юқори технологик усуллари жорий этилаётгани соҳа ривожланаётганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, саратон касаллигига чалинганларга кеч босқичларда ёрдам кўрсатиш учун барча филиалда паллиатив ёрдам бўлимлари ташкил этилган. Урганч ва Самарқанд шаҳарларида бу хасталикка чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш учун ҳудудлараро хоспислар фаолияти йўлга қўйилган. Тошкент ва Фарғонада эса хоспислар қурилмоқда. Яқин истиқболда ҳамма ҳудудда шундай масканлар барпо этиш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда марказнинг барча филиали мобиль ва муқим маммографлар билан жиҳозланган. Бутун республика бўйича кўкрак бези саратони скрининги ўтказилмоқда ва касаллик 75 — 80 фоиз ҳолларда эрта босқичларда аниқланмоқда. 9 — 13 ёшли қизларнинг одам папиллома вирусига қарши эмлаш ишлари қамрови эса 98 фоизни ташкил этяпти.

Конференцияда маҳаллий ҳамда дунёнинг етакчи клиникалари шифокорлари, олимларнинг онкология ва радиологиянинг долзарб масалалари юзасидан маърузалари тингланди. Илмий-амалий анжуман онкологик хизматга диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**


# «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

## aksiyadorlarining yillik umumiy yig‘ilishini o‘tkazish to‘g‘risida

**Jamiyatning nomi:** «O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki» aksiyadorlik jamiyati.

**Joylashgan manzili:** 100084, O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Amir Temur shohko‘chasi, 101-uy.

**Elektron pochta manzillari:** info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

**Yillik umumiy yig‘ilish o‘tkazish sanasi va manzili:** 2024-yil 14-iyun soat 15:00. Toshkent shahri, Amir Temur shohko‘chasi, 101-uy.

**Aksiyadorlarning reyestri shakllantiriladigan sana:** 2024-yil 10-iyun.

## Kun tartibiga kiritilgan masalalar:

1. “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining yillik umumiy yig‘ilishi sanoq komissiyasini tasdiqlash;
2. Bank aksiyadorlarining yillik umumiy yig‘ilishi reglamentini tasdiqlash;
3. Bank aksiyadorlik jamiyatining 2023-yil yakunlari bo‘yicha biznes-reja bajarilishi to‘g‘risidagi hisobotini tasdiqlash;
4. Aksiyadorlik jamiyati bank guruhining 2023-yil moliyaviy-xo‘jalik faoliyati natijalari bo‘yicha konsolidatsiyalashgan yillik hisobotini tasdiqlash;
5. 2023-yil natijalari bo‘yicha Kuzatuv kengashi hisobotini tinglash;
6. 2023-yil yakunlari bo‘yicha sof foydasini taqsimlashni ko‘rib chiqish;
7. Aksiyadorlik jamiyatining qo‘shimcha aksiyalar chiqarish to‘g‘risidagi qarorini tasdiqlash;
8. Aksiyadorlik jamiyatining ustav kapitalini oshirish;
9. “Winvestment Consult” MChJ auditorlik tashkiloti tomonidan 2023-yil yakunlari bo‘yicha o‘tkazilgan Korporativ boshqaruv tizimini baholash natijalarini ko‘rib chiqish;
10. “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyatining tashkiliy tuzilmasiga (strukturasiga) o‘zgartirish kiritish;
11. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 3-iyuldagi 412-F/5-sonli farmoyishi talablarining ijrosini ko‘rib chiqish.


# O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

## 2023/2024 O‘QUV YILIDA BITIRUVCHILAR TO‘G‘RISIDA MA’LUMOT

| № | Ta’lim yo‘nalishi (mutaxassisligi) | | | | shu jumladan | | | | Hududlar bo‘yicha bitiruvchilar soni | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | shifri | nomi | Bitiruvchilar soni | shu jumladan, ayollar | davlat byudjeti | shu jumladan, ayollar | to‘lov-shartnoma | shu jumladan, ayollar | Qoraqalpog‘iston Respublikasi | shu jumladan, ayollar | Andijon viloyati | shu jumladan, ayollar | Buxoro viloyati | shu jumladan, ayollar | Jizzax viloyati | shu jumladan, ayollar | Navoiy viloyati | shu jumladan, ayollar | Namangan viloyati | shu jumladan, ayollar | Samarqand viloyati | shu jumladan, ayollar | Surxondaryo viloyati | shu jumladan, ayollar | Sirdaryo viloyati | shu jumladan, ayollar | Toshkent viloyati | shu jumladan, ayollar | Farg‘ona viloyati | shu jumladan, ayollar | Xorazm viloyati | shu jumladan, ayollar | Qashqadaryo viloyati | shu jumladan, ayollar | Toshkent shahri | shu jumladan, ayollar | Boshqa davlatlar | shu jumladan, ayollar |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 |
| | | **Universitet bo‘yicha, JAMI** | **1895** | **454** | **845** | **252** | **1050** | **202** | **36** | **13** | **100** | **22** | **54** | **5** | **83** | **27** | **48** | **11** | **69** | **13** | **169** | **28** | **132** | **21** | **92** | **20** | **502** | **121** | **132** | **29** | **84** | **26** | **179** | **35** | **215** | **83** | | |
| | | **BAKALAVRIAT (KUNDUZGI), 3-KURS** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **3-KURS. Jami** | **1779** | **410** | **781** | **227** | **998** | **183** | **34** | **12** | **96** | **20** | **54** | **5** | **79** | **26** | **47** | **11** | **67** | **12** | **157** | **25** | **129** | **21** | **89** | **19** | **467** | **109** | **125** | **27** | **80** | **25** | **176** | **35** | **179** | **63** | | |
| 1 | 60111900 | Maktabgacha va boshlang‘ich ta’limda jismoniy tarbiya va sport | 51 | 23 | 15 | 9 | 36 | 14 | | | | | 5 | 2 | 1 | 1 | | | 6 | 1 | 6 | 1 | 6 | 1 | 1 | 1 | 12 | 8 | 6 | 4 | | | 4 | 1 | 4 | 3 | | |
| 2 | 61010301 | Sport faoliyati (basketbol) | 61 | 10 | 24 | 3 | 37 | 7 | 1 | | 1 | | 3 | 1 | 5 | 2 | | | 2 | 1 | 8 | 1 | 4 | | 6 | 1 | 17 | 1 | 1 | | 6 | 2 | 2 | | 5 | 1 | | |
| 3 | 61010302 | Sport faoliyati (boks) | 118 | 22 | 56 | 17 | 62 | 5 | | | 9 | 2 | 2 | | 8 | | 5 | 1 | 9 | 1 | 10 | 4 | 3 | 1 | 3 | | 46 | 10 | 10 | 2 | 1 | | 5 | 1 | 7 | | | |
| 4 | 61010303 | Sport faoliyati (voleybol) | 60 | 18 | 26 | 7 | 34 | 11 | 3 | 2 | 8 | 2 | | | | | 1 | | 1 | | 4 | | 9 | 2 | 5 | 2 | 13 | 4 | 7 | 3 | 3 | | 3 | | 3 | 3 | | |
| 5 | 61010304 | Sport faoliyati (velosport) | 40 | 8 | 22 | 5 | 18 | 3 | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 3 | | 2 | 1 | 9 | 2 | 2 | | 3 | 1 | 4 | | 11 | 4 | | |
| 6 | 61010305 | Sport faoliyati (gimnastika) | 36 | 9 | 20 | 5 | 16 | 4 | | | | | | | 1 | 1 | | | 3 | | 1 | | 6 | | | | 6 | 2 | 5 | 2 | | | 5 | 1 | 9 | 3 | | |
| 7 | 61010306 | Sport faoliyati (suzish) | 60 | 14 | 33 | 10 | 27 | 4 | 4 | 2 | 2 | | | | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | | 3 | | 4 | | 3 | | 12 | 2 | 3 | | 5 | 1 | 6 | 3 | 14 | 3 | | |
| 8 | 61010307 | Sport faoliyati (yengil atletika) | 139 | 48 | 59 | 21 | 80 | 27 | | | 4 | 1 | 2 | 1 | 3 | 2 | 14 | 2 | 4 | 1 | 19 | 7 | 5 | 2 | 6 | 2 | 29 | 13 | 15 | 3 | 2 | 2 | 24 | 7 | 12 | 5 | | |
| 9 | 61010308 | Sport faoliyati (qo‘l to‘pi) | 79 | 22 | 40 | 13 | 39 | 9 | | | 13 | 3 | 2 | | 6 | 1 | 1 | | 2 | | 10 | 2 | 5 | 2 | 7 | 3 | 15 | 5 | 3 | | 6 | 2 | 3 | 1 | 6 | 3 | | |
| 10 | 61010309 | Sport faoliyati (qilichbozlik) | 26 | 8 | 21 | 8 | 5 | | | | 4 | 1 | | | 3 | 1 | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 8 | 3 | | | 1 | | | | 8 | 2 | | |
| 11 | 61010310 | Sport faoliyati (og‘ir atletika) | 54 | 6 | 27 | 5 | 27 | 1 | 8 | 2 | 5 | 1 | 2 | | | | 3 | | 4 | | 4 | 1 | 4 | | 3 | | 8 | 1 | 3 | | 6 | 1 | 2 | | 2 | | | |
| 12 | 61010311 | Sport faoliyati (eshkak eshish) | 43 | 10 | 30 | 7 | 13 | 3 | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | 10 | 1 | 18 | 4 | | | 1 | | | | 12 | 5 | | |
| 13 | 61010312 | Sport faoliyati (tennis) | 34 | 12 | 14 | 7 | 20 | 5 | 1 | 1 | 3 | | 2 | | | | | | 2 | 1 | 7 | 1 | 5 | 2 | 3 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 4 | 1 | 4 | 4 | | |
| 14 | 61010313 | Sport faoliyati (futbol) | 231 | 8 | 75 | 3 | 156 | 5 | 2 | 1 | 12 | 0 | 17 | | 8 | | 5 | | 5 | | 23 | | 16 | | 8 | | 67 | 1 | 13 | | 8 | 2 | 21 | 3 | 26 | 1 | | |
| 15 | 61010314 | Sport faoliyati (badiiy gimnastika) | 33 | 33 | 14 | 14 | 19 | 19 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 5 | 5 | 2 | 2 | 5 | 5 | 3 | 3 | | | | | 8 | 8 | 1 | 1 | 2 | 2 | | | 5 | 5 | | |
| 16 | 61010315 | Sport faoliyati (dzyudo) | 60 | 13 | 26 | 8 | 34 | 5 | | | 1 | 1 | 4 | | 2 | | 1 | | | | 3 | 1 | 11 | 2 | 1 | | 14 | 5 | 1 | | 1 | 1 | 14 | 1 | 7 | 2 | | |
| 17 | 61010316 | Sport faoliyati (erkin kurash) | 57 | 5 | 22 | 5 | 35 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | 2 | | 10 | | 7 | | 4 | | 15 | 2 | 2 | | 4 | 1 | 4 | | 5 | 2 | | |
| 18 | 61010317 | Sport faoliyati (belbog‘li kurash) | 46 | 5 | 13 | 1 | 33 | 4 | | | 3 | | | | 3 | | | | | | | | | | 2 | | 16 | 1 | 13 | 1 | 4 | 3 | 5 | | | | | |
| 19 | 61010318 | Sport faoliyati (taekvondo WTF) | 57 | 22 | 25 | 12 | 32 | 10 | | | 2 | 1 | | | 5 | 3 | 3 | 2 | 1 | | 5 | 1 | 3 | | 2 | 1 | 17 | 7 | 5 | 1 | 2 | 1 | 5 | 2 | 7 | 3 | | |
| 20 | 61010319 | Sport faoliyati (sambo) | 37 | 8 | 10 | 4 | 27 | 4 | | | 1 | 1 | | | 3 | 1 | 2 | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 14 | | 5 | 2 | 3 | | 6 | 2 | | | | |
| 21 | 61010320 | Sport faoliyati (kurash) | 71 | 12 | 17 | 7 | 54 | 5 | 1 | | 2 | 1 | 5 | | 3 | | 2 | | 5 | 1 | 5 | | 7 | | 3 | 1 | 7 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 27 | 4 | 1 | 1 | | |
| 22 | 61010336 | Sport faoliyati (sinxron suzish) | 11 | 11 | 4 | 4 | 7 | 7 | | | | | | | 2 | 2 | | | | | | | 1 | 1 | | | 2 | 2 | 2 | 2 | | | 2 | 2 | 2 | 2 | | |
| 23 | 61010337 | Sport faoliyati (badminton) | 37 | 11 | 14 | 5 | 23 | 6 | | | 5 | 1 | | | 4 | 1 | | | | | 4 | 1 | 3 | | 5 | 1 | 6 | 3 | 1 | | 1 | | 4 | 1 | 4 | 3 | | |
| 24 | 61010338 | Sport faoliyati (yunon-rum kurashi) | 46 | | 20 | | 26 | | | | 4 | | | | | | | | 2 | | 7 | | 2 | | 2 | | 18 | | 5 | | 1 | | 3 | | 2 | | | |
| 25 | 61010339 | Sport faoliyati (ot sporti) | 21 | 2 | 8 | 1 | 13 | 1 | 2 | | 2 | | | | 2 | 1 | | | | | 0 | | 1 | | 1 | | 6 | | | | 1 | | 2 | | 4 | 1 | | |
| 26 | 61010340 | Sport faoliyati (triatlon) | 13 | 4 | 6 | 2 | 7 | 2 | | | | | | | | | | | 1 | | 3 | 1 | | | | | 2 | 1 | 2 | | 3 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | |
| 27 | 61010341 | Sport faoliyati (biatlon) | 30 | 7 | 17 | 5 | 13 | 2 | 1 | | 2 | 2 | 2 | | | | | | 2 | | 1 | | 4 | | 3 | 1 | 8 | 2 | 4 | 1 | 1 | | | | 2 | 1 | | |
| 28 | 61010342 | Sport faoliyati (xokkey) | 9 | | 6 | | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | 4 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | |
| 29 | 61010344 | Sport faoliyati (regbi) | 28 | 6 | 11 | 4 | 17 | 2 | | | | | | | | | 2 | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | | | 7 | | 4 | 1 | 7 | 4 | 2 | | 2 | | | |
| 30 | 61010345 | Sport faoliyati (shaxmat) | 33 | 15 | 17 | 8 | 16 | 7 | 5 | 2 | | | 3 | 1 | 5 | 1 | | | | | 1 | | 5 | 4 | 3 | 2 | 8 | 3 | | | | | 2 | 1 | 1 | 1 | | |
| 31 | 61010346 | Sport faoliyati (karate WKF) | 42 | 18 | 23 | 12 | 19 | 6 | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 1 | | | 2 | 1 | 7 | 2 | 1 | | 17 | 8 | 3 | 1 | 1 | | 5 | 3 | 3 | 1 | | |
| 32 | 61010347 | Sport faoliyati (tog‘ chang‘isi) | 16 | 1 | 8 | 1 | 8 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 15 | | | | | | | | 1 | 1 | | |
| 33 | 61010348 | Sport faoliyati (stol tennisi) | 28 | 8 | 16 | 6 | 12 | 2 | 1 | 1 | 3 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | 4 | 1 | | | 1 | | 1 | | 6 | 2 | 1 | | | | 5 | 1 | 4 | 1 | | |
| 34 | 61010349 | Sport faoliyati (figurali uchish) | 4 | 1 | 3 | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 2 | | | | 1 | | | |
| 35 | 61010350 | Sport faoliyati (chim ustida xokkey) | 21 | 2 | 10 | 2 | 11 | | 2 | | 4 | | | | 1 | | | | 2 | | 6 | | | | | | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | | | |
| 36 | 61010351 | Sport faoliyati (kikboks) | 23 | 2 | 5 | | 18 | 2 | | | | | 3 | | 4 | 2 | | | | | 1 | | 1 | | 1 | | 7 | | 3 | | | | 3 | | | | | |
| 37 | 61010352 | Sport faoliyati (adaptiv jismoniy tarbiya va sport) | 24 | 6 | 24 | 6 | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 2 | | 1 | | 2 | 1 | | | 8 | 4 | 2 | | 1 | | 2 | | 3 | 1 | | |
| | | **BAKALAVRIAT (KUNDUZGI), 4-KURS** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **4-KURS. Jami** | **102** | **38** | **52** | **20** | **50** | **18** | **2** | **1** | **4** | **2** | | | **4** | **1** | **1** | | **1** | **1** | **11** | **3** | **3** | | **3** | **1** | **32** | **10** | **6** | **2** | **3** | **1** | **2** | | **30** | **16** | | |
| 1 | 5210200 | Psixologiya (sport) | 41 | 18 | 18 | 7 | 23 | 11 | | | 1 | | | | 3 | 1 | | | 1 | 1 | 5 | 3 | 1 | | 3 | 1 | 9 | 2 | 3 | 1 | 1 | | 1 | | 13 | 9 | | |
| 2 | 5230200 | Jismoniy tarbiya va sport menejmenti | 18 | 3 | 10 | 2 | 8 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | 2 | | 2 | | | | 5 | 1 | 2 | | | | | | 6 | 2 | | |
| 3 | 5230200 | Sport tadbirlarini tashkil etish va boshqarish | 24 | 10 | 14 | 8 | 10 | 2 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 13 | 5 | | | 2 | 1 | | | 8 | 4 | | |
| 4 | 5230400 | Marketing (sport) | 19 | 7 | 10 | 3 | 9 | 4 | 1 | 1 | 3 | 2 | | | | | 1 | | | | 4 | | | | | | 5 | 2 | 1 | 1 | | | 1 | | 3 | 1 | | |
| | | **MAGISTRATURA** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **Jami** | **14** | **6** | **12** | **5** | **2** | **1** | | | | | | | | | | | **1** | | **1** | | | | | | **3** | **2** | **1** | | **1** | | **1** | | **6** | **4** | | |
| 1 | 71010301 | Sport faoliyati (sport turlari boyicha) | 6 | 2 | 5 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | | 1 | | 3 | 2 | | |
| 2 | 71010302 | Jismoniy tarbiya va sport menejmenti | 2 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | |
| 3 | 71010303 | Adaptiv jismoniy tarbiya va sport | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 4 | 71010304 | Ommaviy sportni rivojlantirish va sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | |
| 5 | 70310901 | Psixologiya (faoliyat turlari bo‘yicha) | 2 | 1 | 2 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | |

**25 май куни мамлакатимиз мактабларида «Илм — саодат калити!» шиори остида «Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтди.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6